ПЕРСОНАЛИЙ

З. Исломов

Академик Азизхон Қаюмов – буюк адабиётшунос олим

Мустақиллик йилларида турли соҳалар қатори манбашуносликда ҳам туб бурилиш ясалди. Жумладан, манбашуносликнинг турли йўналишлари – адабий манбашунослик, тарихий манбашунослик, фанлар тарихи манбашунослиги, айниқса ислом манбашунослигига катта эътибор берилди, бу борада салмоқли илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилди. 1994 йил Ўзбекистонда биринчи маротаба Фанлар Академиясининг собиқ Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтида 10.01.11. – “Адабий манбашунослик ва матншунослик” ихтисослиги, 2001 йили 24.00.02. – “Ислом тарихи ва манбашунослиги” ихтисослиги бўйича докторлик диссертациялари ҳимоясига ихтисослашган кенгашлар очилди. “Адабий манбашунослик ва матншунослик” ихтисослиги бўйича кенгашга филология фанлари доктори, академик Азизхон Қаюмов раис этиб тайинланди. Унга қадар ўзбек адабиётига оид манбалар бўйича амалга оширилган тадқиқотлар ўзбек адабиёти ихтисослиги бўйича ҳимоя қилинар эди. “Адабий манбашунослик ва матншунослик” ихтисослиги бўйича докторлик диссертациялари ҳимоясига ихтисослашган кенгашнинг очилиши Ўзбекистондаги кўпсонли нодир ўзбек адабиёти манбаларини ўрганиш, уларнинг матнлари юзасидан тадқиқотлар олиб бориш имкониятини кенг очиб берди. Бунинг натижаси ўлароқ Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Нодира, Увайсий, Муҳаммад Ризо Огаҳий каби ўзбек адабиётининг ўнлаб йирик вакиллари асарлари, лирик меросининг манбалари ва турли даврларда китобат қилинган қўлёзмалари матнлари ўрганилди, уларнинг илмий-танқидий матнлари тузилди, матний тадқиқотлар амалга оширилди ва чоп этилди. Мазкур тадқиқотларнинг бошида академик Азизхон Қаюмов турдилар.

1926 йил 19 январ куни Қўқондаги зиёли, ўқитувчи Пўлотжон домла Қаюмов оиласида туғилган Азизхон ёшлигидан ўзбек, форс-тожик умуман, Шарқ адабиёти, хоссатан шеърият мулкининг султони Алишер Навоий илмий ва бадиий меросига жуда қизиқди ва кўплаб асарларни ёд олди. Бунга айниқса, оиладаги адабиётга, шеъриятга бўлган муҳит ижобий таъсир

кўрсатди. Чунки Азизхоннинг оталари адабиётни жондан севган, ўзлари ҳам маҳаллий шоирлар муҳитида гўзал шеърлари билан танилган илм, адабиёт ихлосманди эдилар. Адабиётга, илмга, шеър ёзишга бўлган муҳаббат Азизхон Қаюмовни болалигиданоқ турли мавзуларда мақолалар Азизий тахаллуси билан кичик шеърлар, ғазаллар ёзишга ундади.

Азизхон Қаюмов илмий мероси тўлиғича манбашунослик фанига оид асарлар, рисолалар,таржималар, мақолалар ва бошқа илмий нашрларда ўз аксини топган. Домла ижодидаги манбашуносликни қуйидаги даврларга ажратиш мумкин: қадимий давр манбашунослиги, Марказий Осиёнинг VIII–X асрлардаги арабийзабон олимлари асарлари манбашунослиги, Алишер Навоий асарлари манбашунослиги, Амир Темур, темурийлар ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари манбашунослиги, XVI–XX асрлар ўзбек адабиёти манбашунослиги, XX аср олимлари асарлари манбашунослиги.

Азизхон Қаюмов илмий ижодида буюк Алишер Навоий асарлари манбашунослиги алоҳида ўрин тутади. Олим Алишер Навоийнинг барча асарларига бағишланган алоҳида йирик, ўзининг илмийлиги билан ажралиб турган тадқиқотлар яратган. Навоий асарларининг қўлёзмалари, уларнинг матнларини чуқур ўрганган, насрий баёнлар тузган, таҳлил ва тадқиқ қилган. Академик Азизхон Қаюмовнинг 10 жилдлик “Асарлар тўплами”нинг 1–4 жилдлари Алишер Навоийга бағишланган асарлардан иборат [7] Алишер Навоий “Хамса”си 5 достонининг илмий жиҳатдан тадқиқи натижасида кўплаб илмий асарлар яратилди, мукаммал илмий-оммабоп нашрлар кенг китобхонлар оммасига етиб борди ва тинимсиз машаққатли изланиш натижасида яратилган ушбу ишлар илмий жамоатчилик, кенг китобхонлар, Алишер Равоий мухлислари томонидан навоийшуносликка қўшилган улкан ютуқ сифатида тан олинди.

Олимнинг юқорида зикр этилган асарлари ўзбек тилида бўлиб, Алишер Навоий асарларини рус тилига ўгириш бўйича ҳам талайгина ишлар қилинган. “Жемчужины мудрости и тайны “Семи морей” [3], “Арбаин-сорок слов” [2], “Пятерица изумлений” [4] каби асарлар шулар жумласидан ҳисобланади.

Амир Темур, темурийлар ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари манбашунослигига оид асарлар сирасига ўзбек адабиётидаги Амир Темурга бағишланган асарларнинг таҳлили сифатида ёзилган “Амир Темур қиссалари” [6], Шоҳрух Мирзо, Улуғбек Мирзолар ҳақидаги рисолалар, “Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодиёти” [7] китоблари киради.

Устознинг Ўзбекистон илм-фани тараққиётидаги, айниқса, жаҳон навоийшунослик илмидаги улкан ҳиссасини ўрнини ва аҳамиятини тан олиб улуғладилар. Ҳақиқатдан ҳам Азизихон Пўлатович Қаюмов кексаю-ёшлар учун ўрнак бўладиган, ҳамманинг ҳавасини келтирадиган даражада

баркамол инсон. Устозимизнинг барча инсоний фазилатлари, ғайрат-шижоати, бағрикенглиги, самимийлиги ҳалол ва поклиги буюк бобомиз Алишер Навоийнинг орзу умидларига мос. Навоий орзу қилганидек комил инсон сифатида бутун умрини халқ ва эл-юрт фаровонлигига бағишлаган, мамлакатимиз илмининг ривожига, адабиётшунослик фанининг равнақига, маданият ва маърифат юксаклигига бахшида этган адабиётшунос, навоийшунос олим, академик Азиз Пўлатович Қаюмов бугун таваллудининг 90 йиллигини қаршилаб турибдилар. Мустақиллик йилларида Устознинг хизматлари юксак баҳоланиб, “Ўзбекистон белгиси” (1995), “Шуҳрат” медали (1995), “Ғалабанинг 50 йиллиги” медали (1995), “Эл-юрт ҳурмати” (2003), “Буюк хизматлари учун” ордени (2014), “Ғалабанинг 70 йиллиги” медали (2015) билан тақдирланган. 2015 йил Қорақалпоғистон Республикаси Беруний фондининг Республика мукофоти берилган. Умрининг деярли 80 йилини ижодга, адабиётга бағишлаган, биринчи ижод намуналари 1938 йил матбуотда эълон қилинган.

Оила муҳити, устозларнинг ўгити Азиз Пўлатович 1949 йилдан бошлаб Шарқ қўлёзмаларини ўрганиш институтида кичик илмий ходим, Шарқшунослик институтида илмий котиб, Тил ва адабиёт институтида, Ҳ.Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтида директор, Тошкент Давлат маданият институтида ректор, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазир ўринбосари, вазир, Ўзбекистон Кинематография Давлат қўмитаси раиси, Ўзбекистон республикаси маданият ходимлари Касаба уюшмаси раиси лавозимларида ишладилар. 1954 йилда номзодлик, 1961 йилда докторлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилди. 1989 йил Ўзбекистон ФАнинг мухбир аъзоси, 1995 йилда академиги унвонига эга бўлди.

Азизхон Пўлатовичнинг илмий ва ижодий меҳнатлари, жамоатчилик иши “Ўзбекистон Халқ маорифи аълочиси”, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби”, “Ўзбекистон кинематография аълочиси” ва бир қатор орден ва медаллар билан тақдирланди. Азиз Пўлатовичнинг ғайрат ва шижоатлари билан 10 томлик “Асарлар” тўплами 12 китобда нашр этилди [7]. Азиз Пўлатович адабиётга 1938 йилдан бошлаб, ҳали ўқувчилик давридаёқ ўз шеърлари билан кириб келган, Алишер Навоий ғазалларига 109 та мухаммас битган. Азизий тахаллусидаги мазкур мухаммаслар “Навоийга таъзим” тўпламида [10] нашр этилди. Бу мухаммаслар Азиз Пўлатовичнинг нафақат олим, балки нозиктаъб ва жуда катта шоир эканликларини англатади.

Академик Азизхон Қаюмовнинг илмий, ижодий мероси жуда катта. Олим томонидан 418 номдаги монография, рисола, мақолалар ёзилган, 30 та йирик асарларга тақриз берилган, 220 та асарга масъул муҳаррир ва таҳрир

ҳайъати аъзоси бўлган, 12 номдаги китоб таржимаси амалга оширилган, 100 дан ортиқ диссертацияга раҳбар ва оппонент бўлган [1].

Азизхон Қаюмов Ўзбекистонда манбашунослик, матншунослик, ўзбек адабиётшунослиги айниқса навоийшунослик ривожига улкан ҳисса қўшган ва ўзининг кенг қамровли илмий мактабини яратган буюк академик устоз сифатида яна узоқ йиллар халқимиз, илм аҳлини янги тадқиқотларга чорлаб қолади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бердиева З. Академик Азизхон Пўлатович Қаюмов. 90 йиллик юбилейига. (Библиография). Тошкент, 2016.
2. Каюмов А. Арбаин-сорок слов. Ташкент: Ижод дунёси. 2002.
3. Каюмов А. Жемчужины мудрости и тайны “Семи морей”. Ташкент, 2002.
4. Каюмов А. Пятерица изумлений. Тошкент, 2015.
5. Қаюмов А. Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино. Тошкент, 1987.
6. Қаюмов А. Амир Темур қиссалари. Тошкент: Ёзувчи. 1996.
7. Қаюмов А. Асарлар. Ж. I–X. Тошкент, 2008–2010.
8. Қаюмов А. Аҳмад ал-Фарғоний: Ўрта асрнинг таниқли олими ҳақида бадиий лавҳалар. Тошкент, 1990.
9. Қаюмов А. Музей ишининг фидойиси: Нафисахон Содиқова ҳақида. Бухоро, 2000.
10. Қаюмов А. Навоийга таъзим. Тошкент, 2016.
11. Қаюмов А. Навоийдан нур олиб: машҳур адабиётшунос олим А.Ҳайитметов тўғрисида ҳикоя. Тошкент, 2001.
12. Қаюмов А. Олим ва фозил Ботирбек Ҳасанов. Тошкент, 2002.
13. Қаюмов А. Ўзбекистон академиклари. Тошкент, 2011.
14. Қаюмов А. Қадимият обидалари (Ёзма адабий ёдгорликлар ҳақида). Тошкент, 1972.
15. Қаюмов А. Қўқон адабий муҳити: (XVIII–XIX асрлар) Тошкент, 1961.
16. Қаюмов А. Қўлёзмалар хазинабони: Қ. Муниров ҳақида ҳикоя. Тошкент, 2001.